84

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Булунғур туман
ҲОКИМИ

ХОКИМ
Булунгурского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

# ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

93 й. «18» май № 146-б

Булунғур шаҳри атрофида зовур
қазиш учун ер ажратиш тўғрисида.

Булунғур шаҳрида ер ости сувлари сатхининг кескин кўтарилиши натижасида 1993 йилда бир неча ёрдамчи бинолар қулаб тушди. Ер ости сувлари бошқа биноларга ҳам жиддий зарар етказаяпти. Шу сабабли Булунғур шаҳри аҳолиси зовур қазиб, ер ости сувлари сатҳини пасайтириш тўғрисида шаҳар ва туман ҳокимиятига бир неча маротаба мурожаат этишди.

Ер ости сувларининг сатҳини пасайтириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

I. Туман ҳокимияти ер танлаш ваколатли гуруҳининг 1993 йил 4 майдаги далолатномаси,"Ғалабанинг 40 йиллиги" давлат хўжалиги меҳнат коллективининг 1993 йил 4 майдаги 4-сонли қарори,"Мингчинор" давлат хўжалигининг 1993 йил 4 майдаги 3-сонли қарори ва "Кўкдала" бўрдоқичилик базаси меҳнат коллективининг 1993 йил 4 майдаги 2-сонли қарорлари тасдиқлансин.

Қуйидаги жадвалда келтирилган майдонлар зовур қазиш учун Булунғур туман уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасига ажратилсин.

| Хўжаликлар номи | трасса узун-(м) | майдондан (га) | шу жумладан: сувли хайдов ер | ток | фойдаланилмаётган ер |
|---|---|---|---|---|---|
| I."Ғалабанинг 40 йил." | 3080 | 7,70 | 5,72 | I,53 | 0,45 |
| 2."Мингчинор" | II00 | I,I0 | | I,I0 | |
| 3."Кўкдала" бўрдоқичилик базаси | I40 | 0,35 | 0,35 | | |
| ЖАМИ | 4320 | 9,15 | 6,07 | 2,63 | 0,45 |

2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда "Ғалабанинг 40 йиллиги" давлат хўжалигида I,53 га ва "Мингчинор" давлат хўжалигида I,I0 га токзорнинг фойдаланилмай қолган харажатлари 388,6 минг сўм ва 279,4 минг сўмни мазкур хўжаликларга тўлаш ҳисобига олинсин.

3. Ушбу қарорни тасдиқлаш Самарқанд вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман ҳокими — М.Салимов.

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Булунғур район ҳокими
ҚАРОРЛАР УЧУН
ДЛЯ постановлений